Эсингизда бўлса, 1984 йил бошларида Чирчиқ дарёсининг ўнг ва чап қирғоғида улкан қурилиш ишлари жадал суръатларда бошланиб кетган эди. Ўшанда бу қурилиш собиқ Иттифоқда энг зарбдори ҳисобланарди. Бир сўз билан айтганда Чирчиқ дарёси қирғоқларида «Тошкент мотор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дунёга келиши керак эди. Сабаби Ўзбекистон ўзига қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарарди-ю лекин мотор ишлаб чиқармасди. Яъни, бу хом ашё маҳсулотлари бошқа ҳудудлардан ташиб келтириларди. Бу ўз навбатида қўшимча қийинчиликлар туғдирарди. Ундан кейин ана шу моторлар бор-йўғи 60 от кучига эга эди.

Шунинг учун юқоридаги ва бошқа машиналарга керак бўлган двигателларни Тошкентнинг ўзида ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Корхонани лойиҳалаштириш ва уни дастгоҳ ва ускуналар билан таъминлаш мажбуриятини Минск трактор заводи олганди. Лойиҳа бўйича бирлашмада 80-100 от кучига эга бўлган двигателлар ишлаб чиқарилиши мўлжалланганди.

Корхона қурилиши шу тариқа икки йил давом этди. Шу муддат ичида асосий цехлар, бошқарув ҳамда муҳандислик бинола-

*Ҳамкорлик қирралари*

## «ЎЗИТАЛМОТОР» МАҲСУЛОТЛАРИ

ри қуриб битказилди. Минск мотор заводи ва бошқа жойлардан маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ва ускуналар олиб келинди. Мамлакатда ўзгаришлар содир бўлганлиги ҳамда маблағнинг йўқлиги туфайли 1986 йилга келиб завод қурилиши асосан тўхтади. Бошқача қилиб айтганда «музлатилди». Ва бу 1991 йилгача давом этди.

Фақат республикамиз мустақилликка эришгандан кейин корхонани қуриш ва унинг ускуналарини ўрнатиш жонланди. Айниқса, 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Италиянинг «Аджинж Свиситал» қошида «Ўзиталмотор» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Чунки бу келажакда улкан машинасозлик мажмуасига айланадиган корхона ҳозирги куннинг ўзида республикамиз иқтисодиётини кўтаришда ўз ҳиссасини қўша бошлади.

— Биз бу алоқани бошлашдан олдин Ўзбекистон иқтисодиётини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқдик, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг бош директори Зенелотти Джованни. — Ана шундан кейингина Италия ва Германияда ишлаб чиқарилган ноёб дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Бу ҳозирги кунда мотор ва унинг айрим қисмларини ҳеч қандай муаммосиз ишлаб чиқариш имкониятини беряпти.

Пахта республика иқтисодининг асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда корхонамиз қишлоқ хўжалигини серунум механизмлар билан таъминлашга аҳд қилди. Масалан, ҳозир корхонада сув билан совутиладиган, 80 от кучига эга мотор ишлаб чиқарилмоқда. Бу дизелни пахта териш, юк ташувчи ва бошқа машиналарга бемалол ўрнатса бўлади. Яқин келажакда «ВММотори» фирмаси конструкторлари билан биргаликда янги трактор двигатели тайёрланиши кўзда тутилмоқда. Бу маҳсулотларга нафақат ички, балки сиртқи бозорда ҳам талаб катта бўлиши керак. Чунки бу моторнинг асосий хусусиятларидан бири ҳавони камроқ ифлослантиришга йўналтирилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳиссадорлик жамияти таркибида бир неча бўлинмалар мустақил равишда иш кўришмоқда. «ЎзПГС»фирмаси шулардан биридир. Унинг асосий маҳсулоти бир тоннадан беш тоннагача юк кўтара оладиган авто ва электр юклагичлардир. Унинг агрегатлари Италияда ишлаб чиқарилади. Фирма буюртма асосида ишлайди. Лекин унинг буюртмаларини бажариш вақти унча кўп эмас. Фирмада ишлаб чиқарилаётган қўл аравасига ҳам эҳтиёж катта. Чунки у бир ярим тоннагача юк кўтара олади.

Шунингдек, қўшма корхонада двигателларни йиғиш жараёнида ишлатиладиган 500 га яқин эҳтиёт қисмни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Шулардан 120 таси мураккаб деталлардир. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган трактор ва бошқа машиналарни қайта таъмирлашдаги муаммоларнинг ечилишига катта ёрдам бермоқда.

Ҳиссадорлик жамиятининг муассислари собиқ мотор заводи жамоаси, Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ўзбекистон давлат мулки комитети ҳамда «Аджинд Свиситал» компанияси бўлди. Шунинг учун унинг ҳозирги вақтдаги маблағи 45 миллион долларни ташкил этди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати эса йилига 45 минг мотор ва 29 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга етади. Бунда айниқса Италиядан келган мутахассисларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Чунки улар маҳаллий ишчиларни самарали ва сифатли ишлашга ўргатмоқдалар. Шу сабаб собиқ Иттифоқ заводлари билан алоқаси узилган, бундан икки-уч йил аввал умуман фаолиятсиз турган корхона бугунги кунда юқоридаги муваффақиятларга эришди. Ундан кейин заводда ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган ва келажакда режалаштирилган моторларнинг қуввати ўрта ҳисобда 80-150 от кучига тенгдир.

Қўшма корхона дунёнинг бошқа машинасозлик фирмалари билан ҳам алоқани ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. «Ивеко», «Отойл», «Форд» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жамият қошида фаолият кўрсатаётган «Такфа» фирмаси бугунги кунда металл қуйишга ихтисослашмоқда. Бу борада фирманинг имкониятлари жуда катта. Нимага деганда корхона тикланаётганда бу ерда энг замонавий металл маҳсулотларини қуядиган ускуналар келтирилганди. Бу эса ҳозирги кунда фирмада халқ истеъмол буюмлари ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Масалан, фирмада ишлаб чиқарилаётган иситиш батареяларига қизиқиш жуда катта. Сабаби алюминдан ишланган бу маҳсулотнинг ишлашига фирма 20 йил кафолат бера олади. Ҳозир бу батареяларга бошқа республикалардан ҳам буюртмалар бор. Жумладан, Россия Федерацияси билан корхона ана шу ва бошқа маҳсулотларни сотиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бирлашма ишчи ва хизматчилари бозорни керакли маҳсулотлар билан тўлдиришга қурби тўла етади. Бундан ташқари «Ўзиталмотор» келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришда катта аҳамиятга эгалигига шубҳамиз йўқ. Юқоридаги мисоллар ана шуни тасдиқлаб турибди.

Ғулом ЮСУПОВ.

*Пойтахтимиз истиқболи*

## ФАРҒОНА ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

Суратли лавҳа

Фарғона йўли шаҳримизнинг транспорт энг серқатнов кўчаларидан бири ҳисобланади. Пойтахтнинг Бектемир тумани ва Қуйлиқ даҳасини Амир Темур хиёбони билан боғлайдиган бу йўл Фарғона водийси бўйлаб қатновчи транспорт воситаларига ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ушбу йўлдан машиналар карвони бир зум узилмайди. Йўлнинг бир томонламалиги, айниқса, унинг Жарқўрғон кўчасидан Баротхўжа каналигача (Халқа йўлигача) бўлган қисмнинг ўта торлиги бора-бора ҳозирги кун талабига жавоб



бермай қолди. Натижада уни кенгайтириш, яъни, транспорт йўналишини осонлаштириш учун икки томонлама қатновни йўлга қўйиш истаги туғилди. Шу ниятда ўтган йилнинг ўрталарида йўлнинг иккинчи йўналиш қисмини қуришга киришилди. Эски иморатлар бузилиб, унинг эгалари замонавий уйларга кўчирилди. Қурилиш ишлари кун сайин авж ола бошлади. Йўлсозлар иншоотни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш ташаббуси билан чиқишди.

Ҳозирда қурилишни уч йирик ташкилот олиб бормоқда. Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш «Ўзавтойўл» давлат ҳиссадорлик концерни қошидаги республика иншоотлар қурилиши бирлашган дирекцияси — буюртмачи, Тошкент махсуслаштирилган йўл қурилиши трести ва кўприк қурилиши бошқармалари ижро этувчи сифатида бунёдкорлик ишида қатнашмоқдалар.

Қурилиш кетаётган участкага келиб-кетувчи транспортларнинг кети бир зум узилмайди. Экскаватор, бульдозер ва йўл текислаш, асфальтлаш машиналари тинимсиз ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос ишларни бажаришяпти. Мана, ҳозиргина иншоотта кириб келган «КамАЗ» устидаги юкини белгиланган жойга ағдаради. Асфальтловчилар дарҳол ишга киришишади. Махсус машиналар иссиқ асфальтни ерга ётқизиб, текислашади. Жараён шу хилда давом этаверади...

— Қурилишда трестимизга қарашли биринчи ва иккинчи йўл қурилиш участкалари фаол иштирок этишмоқда, — дейди бизга трест бошлиғи Рихсивой Каримов. — Йўлсозларга Дониёр Бўлусов бошчилик қилмоқда. Улар қисқа муддат ичида умумий бунёдкорлик ишларининг 55-60 фоизини бажариб қўйишди. Умуман йўл қурилишида 30 дан ортиқ мутахассис ва механизаторлар қатнашмоқда.

Кўприк қурилиши бошқармаси усталари зиммасига катта вазифа юкланди. Улар қисқа муддат ичида Толариқ канали сувини қувур орқали йўл остидан ўтказиб юборишлари керак. Бу ишга масъул бўлган бригада ҳозир бу юмушни ниҳоясига етказиш арафасида.

— Оралиқ муддат яқин. Шунинг учун ишни бир маромда олиб бормасак, шошилиб қолишимиз мумкин, — дейишади кўприксозлар.

«Кўчанинг кенглиги неча метрни ташкил этади?» деган саволимизга йўлсозлар: «16 метр», деган жавобни берди.



Иншоотдаги иш иккинчи томон янги йўлни очиш билан тугамайди. Балки, ҳозирги фойдаланилаётган йўл ҳам тўла таъмирланиб, кафтдек текисланиши керак. Бунинг устига йўл чеккасига электр ёритгичларини ўрнатиш, теварак-атрофни ободонлаштириш, мўътадиллик қурилмаларини барпо этиш каби муҳим юмушларни ҳисобга оладиган бўлсак, умуман иш ҳажми ниҳоятда кенг миқёсда эканлиги янада равшанлашади.

— Шунинг учун ишни график асосида ташкил этганмиз, — дейди буюртмачи ташкилот бош муҳандиси Нигмат Эшонхўжаев. — Шунга кўра барча юмушларни 20 мартгача тўла тугаллашимиз керак.



Хуллас, орадан яна бир оз муддат ўтади. Юртимизга кириб келаётган ёшлик, яшариш ва гўзаллик байрами Наврўз айёмида йўлсозлар ёруғ юз билан транспорт қатнови учун муҳим бўлган бу йўлни ҳамшаҳарларимиз хизматига топширишади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*СУРАТЛАРДА: Тошкент махсуслаштирилган йўл қурилиши трестининг 1-участкаси бошлиғи Дониёр Бўлусов ва бульдозер ҳайдовчи Назармат Холовлар иш устида; кран ёрдамида йўлка бунёд этилмоқда; грейдер йўл текисламоқда.*

*Виктор Багаев олган суратлар.*

***Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳозирги кундаги асосий-вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада жойларда касаба уюшмалари фаол иш олиб боришяпти. Тошкент шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси шундай ташкилотлардан биридир. Бу қўмита ташкил топганига эндигина бир йил тўлди. Хўш, шу қисқа муддат ичида бу ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадларни амалга ошириш борасида қандай ишларни бажарди? Тошкент шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Шоикром Исроилов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.***

*Ижтимоий ҳимоя — амалда*

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

— Шоикром Шоумарович, қўмита яқинда фаолият бошлаган, бўлса-да, талай ишлар амалга оширилибди. Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Қўмитани тузиш осон кечмади, албатта. Республика машинасозлар саноати марказий қўмитаси билан ҳамкорликда соҳа касаба уюшмаси аъзоларини ва меҳнаткашларни бозор иқтисоди шароитида ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини туздик. Уни ҳаётга татбиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир шу асосда иш олиб бораяпмиз.

— Қўмитангиз шаҳримиздаги энг йирик корхоналарни ўзида бирлаштирган десак, янглишмасак керак?

— Ҳа, албатта. Қўмитамиз нафақат шаҳар, балки республика ичра энг йирик Тошкент трактор заводи, «Миконд», «Зенит», «Ўзбеккабель», «Тошкент экскаватор заводи», «Фотон», «Ўзэлектроаппарат», «Алгоритм» ва шунга ўхшаш 60 дан зиёд бирлашма ва корхоналарнинг касаба уюшмаларини ўзига бириктирган катта ташкилотдир. Машинасозлик саноати шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг 100 мингдан кўпроқ аъзоси бор. Ҳозирги иқтисодий танг бир шароитда уларнинг оғирини енгил қилиш осон эмас.

— Маълумки, турли хил сабаблар билан корхоналар иқтисодий қийинчиликларга дуч келишяпти. Мана шундай ҳолларда ишчи-хизматчилар қандай ҳимоя қилиняпти?

— Тўғри, ҳозир айрим корхоналарда хом ашё йўқлиги туфайли ишлаб чиқариш суръатлари бир мунча пасайди. Иш ўринлари ҳам қисқармоқда. Бизнинг вазифамиз меҳнаткашларни ҳимоя қилиш экан, корхона раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари билан биргаликда ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш чораларини кўряпмиз. Яъни, уларнинг ойлик маошларини ўз вақтида тўлаш, қўшимча, ишчи ўринларини ташкил этишда кўмаклашаяпмиз.

— Баъзи корхоналарнинг уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ойлик маошларини ўз вақтида ололмаслик ҳоллари учрамоқда. Ушбу масалалар сизларда қандай ҳал қилиняпти?

— Тўғри, бундай ҳоллар ҳам йўқ эмас. Айрим корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва баъзи бир корхона раҳбарларининг ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганлиги оқибатида шундай чалкашликлар содир этиляпти. Бундай вазиятларда биз корхона раҳбарлари билан биргаликда мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, бу муаммоларни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз.

— Касаба уюшмаси қўмиталари ишчи-хизматчиларни ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш каби бир қанча вазифалар билан шуғулланади. Бу борада сизларнинг шаҳар қўмитангиз қандай ишларни амалга оширяпти?

— Шаҳар касаба уюшмаси қўмитамиз тасарруфида 8 та санаторий-профилакторий, 13 та болалар ёзги дам олиш оромгоҳи, 6 та ўйингоҳ ва маданият уйлари мавжуддир. Қўмитамиз ушбу оромгоҳлар ва маданият ўчоқлари меҳнаткашларига мунтазам хизмат қилиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилаяпти. Мисол учун 1994 йили болаларнинг ёзги таътили вақтида 15 мингдан кўпроқ болалар ушбу оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Бундан ташқари экологияси бузилган ўлкалардан, яъни, Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан 350 га яқин болалар бизнинг оромгоҳларда дам олиб қайтишди. Ишчи-хизматчилардан 5 мингдан зиёдроғи республика дам олиш уйларида ўз соғлиқларини тиклаб олишди.

— Кейинги пайтда айрим корхоналарда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари учраяпти. Бу хусусда нималар дея оласиз?

— Биз келгусида ҳуқуқий давлат қурар эканмиз, ҳеч кимнинг ҳуқуқи поймол этилмаслиги лозим. Ҳақиқатан ҳам оз бўлса-да меҳнаткашларнинг ҳуқуқи бузилаётган ҳоллар учраб турибди. Баъзи корхоналарда кимнидир ишдан ноҳақ бўшатишади ёки меҳнат таътилига чиқаришмайди. Шундай вазиятларда улар бизга мурожаат қилишади. Биз уларнинг имкониятларини корхона раҳбарлари билан ўрганиб чиқиб, ҳал қилиб борамиз.

— Ўз-ўзидан савол туғилади: меҳнаткашлар ҳимоясиз қолган пайтда қаерга бориб мурожаат қилишлари мумкин?

— Жуда ўринли савол. Улар учун корхона касаба уюшмалари қўмиталарида, шаҳар кенгашларида меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. У ерда малакали ҳуқуқшунослар ўзларининг бепул маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари билан инсонларни қонун йўли орқали ҳимоя қилишади. Шунингдек, бу ҳуқуқий бўлим ҳуқуқшунослари меҳнат қонунлар мажмуасини бузаётган айрим раҳбарларга қонун юзасидан қатъий чораларни кўришди.

Суҳбатдош Иззат АҲМЕДОВ.

*«Сўнмас шон-шуҳрат» танловига*

## АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!». Гитлерчиларга қарши шиддатли жанглар давом этаётган йилларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг шиори ана шундай эди. «Тоштўқимачимаш» заводининг тарих ва меҳнат шуҳрати музейининг «1941 — 45 йилларда фашизмга қарши кураш» бўлимидан жой олган плакат ҳам ана шу даъваткор сўзларни ифода этган. Музейда корхона жамоасининг уруш йилларидаги қаҳрамонона ва урушдан кейинги йиллардаги ижодий меҳнати, шонли анъаналари акс эттирилган.

Музей экспонатларини кўздан кечирамиз. Биринчи бўлим «Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун» деб номланган.

...Тиш тирноғигача қуролланган гитлерчилар Ростов томон интиларди. «Ростсельмаш» заводи жамоаси олдида қисқа муддат ичида корхонани бу ердан кўчириш вазифаси турарди.

1941 йилнинг 8 ноябри. Шу куни заводни Тошкентга кўчириш ҳақида буйруқ олинди. Душман ўқлари ҳаводан ёмғирдек ёғилиб турган дақиқаларда асбоб-ускуналар вагонларга юкланди. Бир неча эшелонга яқин одам ва асбоб-ускуналар ортилган 120 дан ортиқ эшелон бирин-кетин жанубга қараб йўлга чиқди. Келтирилган жиҳозларни жойлаштириш учун тўқимачилик комбинатининг қуриб битказилмаган биноси, кичкина ҳовли, шаҳарнинг турли ерларидан майдончалар ажратилди. Асбоб-ускуналарнинг бир қисми Чирчиқ шаҳрига юборилди.

Музей кўргазмаларидан бири «Пойдевор» деб номланган. Бу ерда турли ҳужжатлар сақланмоқда. Улар корхонанинг дастлабки қадамлари ҳақида ҳикоя қилади. «Ростсельмаш» ҳали барпо этилмай туриб, собиқ Иттифоқ бўйлаб донг таратган эди. У 1929 йилда ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлаганди.

Экспозициялардан бирига қуйидаги сўзлар битилган: «Улар Ростсельмаш»ни қурдилар. Шу ерда меҳнат қилдилар». Завод корпусларини Тошкентда бунёд этиб, барча билан баробар ғалаба йўлида жонбозлик кўрсатдилар, энг оғир дамларда завод ускуналарини кўчириб, эвакуацияга тайёрлаган ҳам, уни Тошкентда монтаж қилган ҳам, корхона пойдеворига асос солган ҳам шу фидойи кишилар эди.

Кўпгина ҳужжатлар, суратлар ишчи коржомасидаги жасоратли кишилар тўғрисида ҳикоя қилади. Заводнинг биринчи директори М. З. Титаренко, бош механик Г. Н. Молчанов, инженер-конструктор И. А. Ткаченко ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Жуда қисқа вақт ичида — ўттиз уч кунда корхона қад ростлади. Каттаю кичик тинимсиз меҳнат қилди. Чунки уларнинг ҳар бири ўзини жангчи деб ҳисобларди. Деярли барча ишлар қўл кучи билан бажариларди. Кексаю ёш завод дарвозасидан душманга қирон келтирувчи мина ва снарядлар ортилган эшелонлар жўнайдиган дақиқаларни яқинлаштириш учун тинимсиз интиларди. Ростовликлар билан ёнма-ён тошкентликлар, ленинградликлар 12-14 соатлаб омонатгина барпо этилган цехларда ишлашарди. Ниҳоят конвейердан гитлерчиларни даҳшатга солган қурол — катюшалар учун снаряд ва миналар туша бошлади.

1941 йил 17 ноябрь куни токарь И. И. Мотиленко ўз дастгоҳида биринчи минага ишлов берди.

Жамоада «Фронт бригадалари» ҳаракати кенгайди. Жамоа аъзоларининг сабот-матонати юксак баҳоланди. Юздан ортиқ ишчи-хизматчи орден ва медалларга сазовор бўлди. Корхонага эса (СССР Мудофаа Давлат комитетининг) Қизил байроғи топширилди.

Халқимиз учун энг ҳаяжонли дамларда Солиҳ Одилов темирчилик болғасини ўз қўлига олди. Кўп йиллик меҳнати давомида у қанчадан-қанча ёшларга устозлик қилди. Ўз касби сирларини ўргатди.

Ҳафиза Лутфуллаева фронтга кетган оталар ва акалар ўрнини эгаллаганлардан. У корхона остонасига қадам қўйганда ёш қизча эди. Ўша сурони йилларда у нозик қўллари билан дастгоҳларни бошқарганди. Ғалабага бўлган умид ва ишонч унга куч бағишларди. Ҳ. Лутфуллаева меҳнатда тобланди. Ўша даврнинг энг юксак мукофоти (Ленин ордени)га сазовор бўлди. Василий Богданов, Алексей Кондрашовлар ҳам ўша алангали йилларда меҳнатда ибрат кўрсатган фидойилардан эди. Ростовдан завод билан бирга эвакуация қилинган ва уни қуришда қатнашган Николай Петрович Марков, Василий Васильевич Трегубов, Григорий Натанович Тарновскийлар ҳамон корхонани тарк этишгани йўқ.

Қўлимизда корхона кўп нусхали газетасининг 1945 йил 10 февраль сони — «Қизил Армия Берлин устига Ғалаба байроғи тикадиган кун яқин. Фронт вахтасида туриб ишланг. Душман устидан ғалаба қилиш учун стахановчасига меҳнат қилайлик». Газетанинг биринчи саҳифаси ушбу чақириқ билан бошланади. Бу эса жамоа барча аъзоларининг шиори эди.

Бутун дунё жангчиларимизнинг Ғарбга томон зафарли юришини зўр ҳаяжон билан кузатарди. Қудратли танклар ва пиёда аскарлар олға интиларди. Кенингсберг, Франкфурт, Бреслау остоналарида тўплар душманга даҳшат соларди.

Рейхстаг устига Ғалаба байроғи тикилишига саноқли кунлар қолган. Шиддатли жанглар давом этмоқда. Тўла ғалабага эришиш учун фронт ортидаги меҳнатчилар олдида жангчиларни барча зарур нарсалар билан таъминлашдек муҳим вазифа турарди. Ҳамма ўз зиммасидаги топшириқни бажариш учун фронт вахтасида туриб ишларди.

Ниҳоят сабрсизлик билан кутилган қувончли кун келди.

Баҳор қуёши, Ғалаба қуёши чарақлаб турибди. Ишчи-хизматчилар тўп-тўп бўлиб корхона ҳовлисидаги радиокарнайларга диққат билан қулоқ тутишарди. Москва сўзларди. Бу эшиттиришни эшитган ҳар бир ишчи ўзини беихтиёр Қизил майдондаги ғалаба парадида иштирок этаётгандек ҳис этарди.

Мана, 50 йилдирки, халқимиз осойишта яшаб, беғубор осмон остида меҳнат қилмоқда. «Тоштўқимачимаш»да ўз меҳнати билан ғалаба соатини тезлаштиришга ҳисса қўшган, жанг майдонларида душманга қарши курашда жасорат кўрсатган кишилар бор. Бозор иқтисодиётининг мураккабликларини сабот билан бартараф этаётган ишчиларнинг бугунги авлоди ўз ўтмишдошларининг шонли анъаналарини давом эттиришяпти.

Ҳозир бу ерда тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш билан бирга халқ истеъмол молларини чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йили бир неча хил ана шундай маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Улар Ҳамдўстлик мамлакатларига юбориляпти. У ердан бартер асосида бошқа зарур моллар, хом ашё келтириляпти.

Шу кунларда жамоада Ғалабанинг 50 йиллигига ҳозирлик ишлари авж олмоқда. Ушбу санага тайёргарлик бўйича махсус комиссия тузилган. Уруш қатнашчилари, уруш йилларида меҳнат қилган ишчилар ҳақида заводнинг кўп нусхали газетасида мақолалар бериляпти. «Хотира китоби» ёзиляпти, шунингдек махсус жамғарма ташкил этилди. Унга маблағлар туша бошлади. Корхона касаба уюшмаси уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатяпти. Ишлаб турган, пенсияда дам олаётганларга моддий ва маънавий ёрдам беряпти.

...Безакчи-сураткаш Александр Арутюнович Хачатурян катта меҳнат сарфлаган бу музей айниқса ёш ишчиларнинг севимли масканига айланган. Улар бу ерда ўз корхоналари тарихи билан танишадилар. Бу ерда уруш йилларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — снаряд ва миналар намуналари ҳам авайлаб сақланяпти. Улар ўтмишни, кечмиш воқеаларни, ўша сурони йилларни эслатиб турибди. Улар вақт ўтиши билан эскирган. Лекин бу ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг ғайрат-шижоати ўша-ўша. Корхона жамоаси ёш мустақил давлатимиз иқтисодини тараққий эттириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

• Танлов ҳомийси — «Совпластитал» қўшма корхонаси.

